

АДАБИЁТИМИЗ ФИДОЙИСИ



Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, филология
фанлари доктори,
профессор
Йўлдошхўжа

Солижонов 1940 йил
11 июлда Фарғона
вилояти Риштон
тумани Булоқбоши
қишлоғида туғилди.

1957 йилда Бешкапа қишлоғидаги 5-ўрта мактабни, 1965 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлади.

Жамоа ҳўжалигида табелчи, қурувчи, почтальон, 1965-1968 йилларда вилоят “Коммуна” (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газетаси таҳририятида адабий ходим, масъул котиб ўринбосари, 1968-2010 йилларда Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти, адабиётшунослик кафедраларида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади.

Ҳозирда адабиётшунослик кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида кафедра тарихида энг кўп — 25 йилга яқин (1981-1985, 1989-93, 1997-2010) мудир бўлиб ишлаган. Бу йилларда кафедранинг илмий салоҳиятини ошириш, таълим-тарбия жараёнини янада яхшилаш борасида бир қатор ишларни амалга оширган. Жумладан, сўнги 14 йиллик мудирлиги даврида 4 нафар фан номзоди (А.Қосимов, О.Акбаров, И.Рустамова, З.Раҳимов), 4 нафар фан доктори (Й.Солижонов, А.Сабирдинов, Ҳ.Жўраев, А.Қосимов) етишиб чиқди. 2002 йилда унинг ташаббуси билан кафедрада магистратура мутахассислиги очилди. Республиканинг етакчи олимларини ўқув машғулотларига жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Филология фанлари доктори С.Мамажонов илмий раҳбарлигида “Ўзбек насрида автор нутқининг шаклланиши ва ёзувчининг шахсий услуги”(1974) мавзусида номзодлик, “XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси” (2003)

мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Доцент (1980), “Университетда хизмат кўрсатган доцент” (1996), профессор (2019). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси (2002).

Бадиий нутқ муаммолари бўйича ўзбек адабиётшунослигида санокли мутахассислардан бири. Фарғона давлат университетида бадиий нутқ поэтикаси мактабига асос солган.

30 тадан ортиқ китоблар, жумладан, 3 та монография, 5 та ўқув-услубий қўлланма, адабий-танқидий мақолалар тўплами ва рисоалар ҳамда 500 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

“Нутқ ва услуб” (Т.: Чўлпон, 2002), “Олимнинг олами” (Ф., 2004), “Фарғона адиблари” (Ф., 2005), “Мен Сиздан сабоқ олдим” (Т., 2007), “Сўз сеҳргари” (Т.: “Нихол”, 2007), “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” (Т., 2009), “Фарғона адабиёти” (Ф., 2012), “Мўъжизалар сеҳри” (Т.: “Адиб”, 2013), “Кўзгудаги ҳаёт” (Т., 2013), “Замонамизнинг забардаст шоири” (Ф., 2015), “Лирика латофати, насрнинг назокати”(Т., 2018), “Сўз сеҳри ва меҳри” (Т., 2018), “Адабиёт хиёбони” (Ф., 2020) каби монография, қўлланма, рисола ва адабий-танқидий мақолалар тўплами нашр этилган.

Илмий раҳбарлигида 4 нафар тадқиқотчи (Ф.Кийикбоев, Қ.Йўлчиев, М.Жўраева, А.Қаюмов) номзодлик ҳамда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. Шунингдек, унинг раҳбарлигида С.Хўжаев, Ф.Турсунова, О.Аҳмаджонова, Т.Мўминовалар илмий тадқиқот ишини олиб бормоқдалар.

2 та докторлик ва 4 та номзодлик (PhD) диссертацияларига расмий оппонентлик қилган.

ОАК эътироф этган “ФарДУ.Илмий хабарлар”, “АндУ илмий хабарнома”, “Шарқ юлдузи” каби нуфузли журналларнинг таҳририят аъзоси.

2014-2018 йилларда ЎзРФА Алишер Навоий номидаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти қошидаги ихтисослашган кенгаш аъзоси.

2017 йилдан Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанларидан илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 Илмий кенгаш раиси ўринбосари ҳамда мазкур Кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси.

Вилоят олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг “Энг яхши маъруза матни” номинацияси бўйича “III даражали диплом” (2013), “Энг улўғ, энг азиз” вилоят танловида “Ўзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари” номинацияси бўйича “Ватан озод, турмуш обод, кўнгиллар шод” ҳамда “Кўзгудаги ҳаёт” китоблари учун “I даражали диплом” (2014), Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик” IV республика танловида “Мўъжизалар сеҳри” китоби учун (2014) рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган.

Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик!” VII республика танловида “Лирика латофати, насрининг

назокати” китоби учун (2018) рағбатлантирувчи мукофот берилган.

“Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси” монографияси ва адабнинг ижодий мероси тарғиботига қўшган ҳиссаси ҳамда “Эркин Воҳидов ижоди бўйича энг яхши илмий мақола” номинацияси ғолиби сифатида Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан тақдирланган (2018).

“Университетда хизмат кўрсатган доцент” (1996), Фарғона вилояти ҳокимининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган (2020).

Таълим-тарбия тизимида кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ёш авлодни тарбиялашга қўшган шахсий ҳиссаси учун **“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” (2015)** унвони билан тақдирланган.

Ушбу йилда қутлўғ 80 ёшни қаршилаган муҳтарам устозга узоқ умр, ижодий бардамлик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

З.Раҳимов,
Фарғона давлат университети
филология факультети декани,
филология фанлари номзоди.
А.Сабирдинов,
филология фанлари доктори.